

Куръони Каримда исмлар осмондан тушади, яъни илохийдир мазмунидаги оят бор. Исм (ном) инсон тақдири билан bogлиқ, аникроги, унинг келажаги шу исмда яширинган бўлади. Ушбу фикр исботини йигирманчи асрнинг икки буюк ижодкори — Абдулла Кодирий хамда Абдулла Каҳхор номлари мисолида хам кўриш мумкин. Абдулла (Абдуллоҳ) араб тилидан таржима килингандан, "Оллоҳнинг кули" демакдир. Кимки, номи кандай бўлишидан катъий назар, Парвардигорга чин дилдан кулликни ихтиёр эса, у мислсиз инъому эхсонларга сазовор. Мамлакат шохи бўлмаганда хам, рух мулкининг шоҳаншохи (хокони) бўлишга муносиб.

Тошкентлик Кодир бобо ва Жосият бибилар кетма-кет ўн тўртта фарзанд кўрадилар. Аммо улар гўдаклигиданок вафот этаверадилар. Сабрли ота-она навбатдаги тугилган ўғилга Абдулла деб ном берадилар. Тангри таолонинг кароматини кўрингки, шу ўғил хам, ундан кейин тугилган болалар (Рахимберди, Кудратулла) хам омон коладилар, вояга етиб, оиласи бўлиб, ўзларидан кўпаядилар.

Худди шундай ходиса фаргоналик темирчи Абдукаҳхор оиласида хам тақрорланган. Устанинг бир нечта фарзанди баъзилари йўргакда, бошкалари кейинрок дунёни эрта тарқ этиб кетадилар. Факат Абдулла исми берилган бўлажак буюк адаб омон колади. Бундай воеанинг заминида кандай сир-синоат бор — биз, ожиз бандалар, билмаймиз. Ёлгиз Оллоҳнинг хукми, иродаси ўлимдан-да кучли эканини англашимиз мумкин.

Сиртдан карапганда икки Абдулла орасидаги ўхшашлиқ ана шу ходиса (Ажалдан омон колиш) билан чегаралангандага ўхшайди. Кодирий баҳор фаслида Тошкентдаги bogbon, Каҳхор кузда кўконлик темирчи оиласида тугилган. Бири жадид харакатининг, иккинчиси, шўро даври адабиётининг вакили. Буниси ерга, дехкончиликка меҳр кўйган, униси эса темир-терсакка, техникага кизиккан. А.Кодирий мажлисларда нутк сўзлашни ёктиргмаган, А.Каҳхор эса ажойиб нотик бўлган...

Аммо бу масалага чукуррок разм солсак, уларнинг шахси, ижодлари орасидаги муштарақлик гоят серкирра ва кўп катламли эканлигини кўрамиз.

Биринчидан: бу икки адабни сўзга бўлган меҳр, сўз олдидағи буюк масъулият бирлаштиради. Улар ёмон ёзмаганлар, сўз хазинасини исроф этмаганлар. Шу боисдан хам асарларида хар бир сўз олмос каби яркираб туради. Моҳир заргар — сўз устаси кўли уларга сайкал берган, абадият салтанати (адабиёт) худудига олиб кириб кўйган. Улар кераксиз гапларни ёзмаганлар, аксинча ёзганларини таҳрир килиб ихчамлаштирганлар. Оз сўз билан кўп маъно бериш уларнинг ижодига кредит (асосий максад) бўлган.

Иккинчидан: аслида юкоридаги ўхшашлиқ иккала ёзувчи шахсияти билан boglik.

А.Кодирий хам, А.Каҳхор хам камгап, камсукум, камтар инсон эдилар. Уларга манманлик бегона бўлган. Буюк асарлар ярасалар-да, ўзларини оддий-эл катори одам деб билишган. Минбарларга, мартабаларга интилмаганлар, адабиётдан тамаъ, манфаат кутмаганлар, мактанишни ёмон кўришган.

Одоб, хаё, чукур маданият уларнинг ички дунёсини хаммага кўрсатиб турарди.

Юкоридагилардан ташкари, уларни ушбу инсоний хусусиятлар безаб турган: мардлик, юксак маънодаги виждон, хакикатпарастлик. Бу уч тушунча бир-бирига boglik, бири иккинчисидан келиб чиккани учун факат мардоналик жихатига тўхталамиз.

Абдулла Кодирий ниҳоятда мард инсон эди. Бу камёб фазилат. У гаддор замона турланишларига мослашмаган. 20-йилларда ўткир фелетонлар ёзиб, баъзи корчалон тўраларнинг жигига тегади. Улар сени ўлдиришга котил ёлланган деган мазмунда

адибга мактуб юборадилар. Адиб "Муштум" журнали оркали бу дагдагага жавоб берар экан, ўзим хам дунёдан тўйганман, дейди пичинг аралаш. Ўлимдан кўркмаслик, ширин жондан ор-номусни устун кўйиш А.Кодирийга хам, унинг ижобий каҳрамонлариға хос хусусият.

Машъум тузумга бўйин эгмаганлиги учун Абдулла Кодирийни икки марта (1926 ва 1937 йил) камаганлар. У бандиликда хам ўзини мардона тутади. Хўрликдан кўра, ўлим афзалрок, дейди у 1926 йилги суд жараёнида. Камоқдан чикибок кизгин ижодий ишга шўнгиб кетади ва 1928 йилда иккинчи шох романи — "Мехробдан чаён"ни ёзиб тугаллади.

Ёзувчининг фазилатларини у яратган ижобий каҳрамонлардан хам билиш мумкин. "Ўтган кунлар"даги Отабек — мард, диловар йигит. Жаллод Мусулмонкул ноҳак фитначиликда айбланиб Кўкон ўрдасига келтирилган Отабекка газаб ўтини сочганда, у тахликаға тушмайди, "хукмингизни чикараверинг" дейди босиклик билан. Бундай жавоб Мусулмонкулдай каттол кимсани хам хайратга солади: "Дов юрагинг бор экан, йигит" — дейди завкланиб.

А.Кодирий 1937 йил декабридан 1938 йил октябргача НКВД турмасида бўлган ва суд карорисиз отиб ўлдирилган. У бандиликда мислсиз кийнокларга баходирона бардош берди. У бирор ватандошини коралаб кўрсатма бермади. Холбуки, бошкалар азоб-укубатларга дош беролмай, ёлгон айловларга имзо чекишга мажбур бўлганлар. Абдулла Кодирий жасорати хар бир миллатдошимиз учун фахр ва ибратdir.

Мардлик бобида Абдулла Каҳхор буюк инсоннинг муносиб вориси. Унинг таржимаи холидан бундай ноёб фазилатни кўрсатувчи кўплаб вокә ва далилларни топиш мумкин. Набижон Бокийнинг "Катлнома" асарида ёзишича, Абдулла Кодирийнинг "Айлов жилди"га имзо чекмаган ягона инсон А.Каҳхор бўлган экан.

Ўзбекистон Каҳрамони, машур ёзувчи Саид Ахмад "Йўқотганларим ва топганларим" китобида устод адибнинг жасоратини кўрсатувчи ходисаларни хикоя килган. Адабиётни мукаддас даргоҳ деб билган А.Каҳхор хом-хатала, бадиияти саёз асарларга муросасиз бўлган, уларнинг муаллифлариға ўз фикрини очик айтган. Маълум мавкега эга ўртамиёна каламкашлар шунинг учун А.Каҳхорни ёмон кўрганлар. Унга турли йўллар билан тазиқ ўтказишига, асарларини ёмонотлик килишга уринишган. Жумладан, ўтган асрнинг 60-йиллари бошида "Кизил Ўзбекистон" газетасида "Тобутдан товуш хакида" деган каттакон макола чоп этилиб, унда ёзувчининг шўро вокелигини коралагани хакида бонгuriшган. Ушбу материалга учта машхур ёзувчи ва адабиётшунос имзо чеккан эди. Булардан бири Абдулла Каҳхорнинг якин дўсти бўлган. Шундай хужуму хамлаларга карамай, эътиқодли адиб ўз фикридан кайтмайди, хакикатни дастур билиб ажойиб асарлар ёзишда давом өтаверади. Албатта, асабларнинг какшагани, соч толаларига оқ оралагани табиий. Зоро, энг иродали одам хам темирдан яралган эмас.

Учинчидан: А.Кодирий ва А.Каҳхорни ўзбек менталитетининг ажойиб кирраси — меҳмонсеварлик boglab туради. Икки адиб хам ниҳоятда меҳмоннавоз одамлар бўлишган. Эшик кокиб келган хар бир кишини — хунарманд, дехконми, мардикорми, зиёли ёки тўрами — очик чехра билан кутиб олганлар, дастурхон ёзиб, чой, таом кўйганлар. А.Кодирий "Ўткан кунлар", "Мехробдан чаён" каби шох асарларини ёзаётганда хам, меҳмондан азиз вактини дариг тутмаган. Ишини тўхтатиб меҳмоннинг иззатини жойига кўйган. Аслида бундай хусусият буюк адиб табиатидаги сахийлик, жавонмардлик хислати ифодаси.

Хабибулла Кодирийнинг ёзишича 1932-1934 йиллардаги даҳшатли очлик йилларида хар

куни адибнинг уйида каттакон козон кайнаб турган. Ундан адибнинг меҳр-шафқати туфайли хонадонга олиб келинган мухтоҷ кишилар таом еганлар. Ёзувчининг ўзи эса шу йилларда нихоятда озиб, афтодахол бўлиб колган. Бу озик-овкат етишмаганлигидан эмас, асло: Кодирийнинг каттагина боги, экин-тикин, асаларилари бор эди. Бу холнинг сабаби шундаки, инсонпарвар ижодкор ўлаётган юзлаб ватандошларини кўриб каттиқ изтироб чеккан, томогидан овкат ўтмаган.

А.Кодирийга хос сахо (сахийлик) шужо (шижоат) билан коришиб кетган эди. Машур фелетончи ва адиб Гози Олимнинг ўгли Тўлкин Юнусов шундай эслайди: отаси "заараркунандачилик"да айбланиб камалгач, уларнинг хаёти оғирлашади, у отасининг тилла соатини кўтариб Кодирийнинг уйига келади. Бу вактда Гози Олимнинг хам, А.Кодирийнинг хам хонадони назорат остида эди. Шунга карамай буюк калб эгаси "халк душмани" ўглини очик юз билан кутиб олади, олдига таом кўйиб, корнини тўйгиздиради. Соатга инсоф билан хак тўлайдиган диёнатли бир харидор топиб беради. Шу билангина кифояланмай йигитчага "кйналган пайтларингда орка эшикдан тортинмай келиб тур", деб тайинлайди. Кўп ўтмай адибнинг ўзи камокка олинган.

Абдулла Каххор оиласи сахийлиги, меҳмонпарварлиги хакида хам кўп гапириш мумкин. С.Ахмаднинг эслашича, адиб ёз келиши билан дўкондан кўпгина янги челак сотиб олар экан. Уларни бодидаги сархил шафттолиларга тўлдириб, шогирдидан бериб юборган. А.Каххорнинг дала ховлиси "Ёзувчилар боги"нинг дарвозаси ёнида жойлашган эди. Касбдошларига гамхўр адиб пишиклилик пайтида хар куни бир челакка мева-чева тўлгизиб, боддаги улкан аргувон остига келтириб кўяр, бу ерда ижод килаётганлар улардан ер эканлар.

Абдулла Каххор иш юзасидан Москвага бориб турган. Хар гал ўзбекистонлик талабаларга учрашар, уларга пул бериб тураг экан. Бу ишни у саҳоватпешалигини кўз-кўз килиш учун эмас, ўз миллати истикболини ўйлаб килган.

Хазрати Навоий шундай ёзганлар:

Муруват — барча бермакдур, емак йўқ,  
Футувват — барча килмакдур, демак йўқ.

Яъни: сахий бошқаларга таом беради-ю, ўзи емайди. Олий сахийлик (футувват) одамларга яхшилик килиш, аммо миннат килмаслиkdir. Футувват — сўфийлик шарти. Абдулла Кодирий ва Абдулла Каххор даҳрийлик замонида яшашларига карамай, аждод-сўфий боболарнинг анъанасини давом эттирганлар. Улар хаммага яхшилик килганлар, аммо миннат килишмаган. Зеро, саҳоват улар хаётининг субстансияси (жавхари) эди.

Тўртинчидан: икки ижодкор ўзбек эпик адабиётининг байрокдори бўлиб тарих майдонига чикдилар. Эпик ижодкор деганда хикоя, кисса, роман ёзувчи санъаткор тушунилади.

Кодирий ва Каххорнинг буюк хизматлари туфайли ўзбек эпик адабиёти миллий худуддан юкори кўтарилиб, жаҳон адабиёти чўккисига чиқди.

Жаҳон таниган аллома Евгений Бертелс А.Кодирийни "Янги романчилик мактаби асосчиси" деб тан олди. Бу шунчаки лутф ёки курук мактоб эмас, теран хакикатdir.

Хали А.Кодирий романлари жаҳон адабиёти нуктаи назаридан теран ўрганилгани йўқ.

Агар шу амалга оширилса, улуг сўз санъаткори бадиий меросининг оламшумул ахамияти ёркинрок, кенгрок очилган бўлар эди.

Абдулла Кодирий ўзининг романчилик мактабида Шарку Гарбнинг кўп асрлик адабий-бадиий тажриба, ютукларини бирлаштирди. Унинг романларида "Алпомиш",

"Махобхорат", "Рамаяна", "Илиада", "Одиссея" каби эпос намуналари, "Уруш ва тинчлик", "Квентин Дорвард", "Айвенго", "Д` Артанян ва уч мушкетёр", "Граф Монте-Кристо" каби эпик асарлар билан гаройиб багланишларни кўрамиз. Бундай багланишлар А.Кодирий эпик тафаккурининг уммон сингари бепоёнлигидан, жаҳон маданияти хазинасидан чукур хабардорлигидан дарак бериб турибди.

Адиб романнинг бадиий шакл сифатидаги худудини кенгайтирган, унинг янги имкониятларини кашф этган ва амалиётга жорий этган. Садриддин Айний, Мухтор Аvezov, Чингиз Айтматовдай жаҳон микёсида тан олинган санъаткорлар Абдулла Кодирийнинг романчилик маҳоратидан баҳраманд бўлишган, унинг бадиий тажрибаларини давом эттирганлар. Шу маънода ўзбек адиби асос солган романчилик мактаби факат Кодирийнинг йирик эпик асарлари билан чегараланиб колмайди, ўз бадиий худудини кенгайтириб, жаҳон адабиёти худудини эгаллай борган. Бундай жараён хозир хам давом этмоқда.

Абдулла Каҳхор бу борада хам Абдулла Кодирийнинг муносиб издоши бўлади. "Ўткан кунлар" ўзбек адабиётида биринчи тарихий роман бўлса, А. Каҳхорнинг "Сароб"и миллий сўз санъатидаги илк замонавий романдир. Кодирий романида мозийнинг фожиавий, драматик вокэалари акс этган бўлса, Каҳхорнинг мазкур асарида гаддор шўро тузумига хос мафкуравий, иктисодий-ижтимоий зиддиятлар, талотўплар ифодаланди. Энг мухими, мана шу икки асар хам юксак бадиий маҳорат билан ёзилган, уларда улкан рухшунос, сўз заргарларининг буюк меҳнати юз кўрсатиб турибди.

Кизиги шундаки, икки адиб хам ўзларининг биринчи романларини 25 ёшларида бошлаб 27 ёшда ёзиб тугаллаганлар. Бу "тасодиф"да илохий хикмат бор, албатта.

Шундай килиб, миллий (ўзбек) романчилик мактаби икки худодод истеъдод эгаси бўлмиш санъаткорнинг саъй-харакати, меҳнати туфайли яхлит бир бадиий майдон бўлиб юзага келди, мана, аср ўса хам у кимматини, жозибасини саклаб келмоқда.

Маълумки, ўтган асрнинг 10-йилларида А.Кодирий "Жувонбоз", "Улокда", "Жинлар базми", А.Чўлпон "Курбони жаҳолат", "Дўхтир Мухаммадёр" деган кичик эпик асарлари билан замонавий ўзбек хикоячилигига асос солдилар. А.Кодирийнинг "Улокда" хикояси бадиий баркамоллиги билан ханузгача мухлислар эътиборини тортиб келмоқда.

Хикоянавислик бобида А. Каҳхорнинг хизмати бекиёсdir. У ўтган асрнинг 30-йилларида "Бемор", "Ўгри", "Анор" хикояларини яратдики, уларнинг таърифига тил ожизлик килиб колади. Бу асарларда ортиқча сўз учрамайди. Детал (хикоянинг муайян бир кисми) шундай жойлаштирилганки, уларнинг ўрнини алмаштириш ёки олиб ташлашнинг мутлако иложи йўқ. Характерлар бутун, тасвир гоятда аник, ёркин. Бу хикоялар жаҳон адабиётидаги энг баркамол новеллалар билан бемалол беллаша олади. Бу фикрни ўша даврнинг машхур адабиётшуноси (Вера Смирнова) айтган ва бу хакконий эътирофдир. Абдулла Кодирий ўз романлари, Абдулла Каҳхор етук хикоялари билан янги миллий адабиётни жаҳонга кайтадан танитдилар. Дунё Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, А.Навоий, Мирзо Бобур яшаган замин ва сўзлаган тил янгидан янги истеъдодлар яратса олишига ишонди.

А.Кодирий ва А. Каҳхор шахси хамда ижодидаги муштаракликнинг яна бир аломати уларнинг бадииятга дахлдор эканликларида намоён бўлмоқда. Ўтган замонларда канчадан-канча шоиру адиблар кўплаб асарларини чоп эттирганлар. Буларнинг кўпи одил хакам — Вакт имтихонидан ўтолмади. Хозирги авлод уларнинг асарларинигина эмас, номларини хам билмайди. Бу тарих хукмидир. Чунки у ўзининг шонли кучогига факат фидойи, инсоният истикболи учун хизмат килган миллатпарвар, инсонпарвар

буюк инсонларни кабул килади, бошқаларни эса йўклик — унутилиш каърига совукконлик билан улоктириб ташлайди.

Одамлар А.Кодирий, А.Каххорнинг хаёти, шахсини ўрганиб, бу инсонлардек халол, хакикатгўй, мард ва иродали бўлишни орзу киладилар, асарларидағи ижобий қаҳрамонлар билан муаллиф орасидаги уйгунликдан ибрат оладилар. Хикоя, романларидағи рангин бадииятдан завкланадилар. Ўз якинлари, оила аъзоларига китобларини мутолаа килишни уқтирадилар.

Айтишларича, А.Кодирийнинг танишларидан бирининг ўгли машур адабни йўлда учратиб, унга "Ўткан кунлар" романини ўкиб чикканини айтган. Ёзувчи бу китобни неча марта ўқиганини сўрагач, бир марта, деб жавоб берган. Шунда адаб йигитчага романни тўрт-беш карра ўкиб чикишни маслаҳат берган. "Шундан кейингина асарни яхши тушунасан", — деган.

Хакикатан, биз, китобхонлар, "Ўткан кунлар" романини, "Ўгри" каби хикояларни кайта-кайта ўкишга, улар доимо кўз олдимизда туришига ўрганишимиз лозим. Мутолаа, мулоҳаза килганимиз сайин бу мукаммал матнларнинг янги томонлари, кирралари кенгрок, кўпроқ очила боради ва биз бадиий адабиёт деб аталган илохий-маънавий оламдан кўпроқ насиба олишдек буюк баҳтга мушарраф бўламиз.

Гайрат Муродов, адабиёсшунос.

“Ёшлик” журналидан олинди.